

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМОНОВА ШАҲОДАТ АБДУРАҲИМОВНА**

**МЕДИАДИСКУРСДА ГАЗЕТА ТИЛИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**  
**(ўзбек ва инглиз тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Усмонова Шаҳодат Абдурахимовна**

Медиадискурса газета тили тенденциялари

(ўзбек ва инглиз тиллари мисолида).....3

**Усмонова Шаҳодат Абдурахимовна**

Тенденции газетного языка в медиадискурсе

(на примере узбекского и английского языков).....25

**Usmonova Shahodat Abdurahimovna**

Tendencies of Newspaper Language in Media Discourse

(on the Examples of the Uzbek and English Languages) .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМОНОВА ШАҲОДАТ АБДУРАҲИМОВНА**

**МЕДИАДИСКУРСДА ГАЗЕТА ТИЛИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**  
**(ўзбек ва инглиз тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Филология доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1238 рақам билан қўйиб олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.


<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Тешабаева Дилфуза Муминовна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Раҳимов Ғанишер Худайкулович</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Одилов Ёрқинжон Раҳмоналиевич</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Термиз давлат университети</b>


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).


Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92).

Диссертация автореферати 2021 йил «22» ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «27» ноябрь даги 26 рақамли реестр баённомаси).



  
**Г.Х. Бакиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

  
**Х.Б. Самигова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. доцент

  
**Ж.А. Якубов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Замоनावий медиа соҳасининг жадал ривожланиши туфайли ОАВ мисли кўрилмаган даражада оммалашдики, бугунги кунда унга нафақат мулоқот ва ахборот алмашинуви воситаси, балки ижтимоий онгни манипуляция қилиш воситаси сифатида ҳам қаралмоқда. Зеро, ягона медиа майдонида барча ахборотларни қабул қилувчилар оммавий аудитория ҳисобланганлиги учун ҳам уни тарқатиш коммуникатив жараён сифатида баҳоланади. Жаҳон тилшунослигида медиалингвистиканинг мустақил йўналиш сифатида вужудга келиши, ушбу тил соҳасининг асосий категорияси саналган медиаматнлар, жумладан, газета матнининг дискурсив таҳлили асносида унинг замоनावий тенденциялари стандартлик ва экспрессивлик хусусиятларини тил меъёрлари орқали тадқиқ этишни тақозо этади.

Дунё ахборот маконининг глобаллашуви медиаматн яратиш тамойилларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш, бу мураккаб ва кўп қиррали жараён газета матнини фанлараро аспектлар доирасида мукамал ўрганишни талаб этади. Бугунги кунда газета матни назарияси ва семантикасига оид тадқиқотлар Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Британия, АҚШ, Германия ва бошқа хорижий давлатлар илмий мактабларида олиб борилмоқда. Тилшуносликда газета матнларининг замоनावий тенденцияларини чоғиштирма тадқиқ этиш, уларнинг лексик ва семантик жиҳатдан ўхшаш ва фарқли хусусиятларини сўз туркумларининг турли моделлари орқали таҳлил қилиш, антиэкспрессивлик ва антистандартлик ҳодисаларининг услубий принципларини аниқлаш замоनावий тилшунослик олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда медиаматн лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш ҳамда фан ва таълимни амалиёт билан узвий интеграцияси жараёнларини такомиллаштириш, ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларни газета матни орқали турли лисоний воситалар ёрдамида ёритишда илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда инглиз тили билан чоғиштирма тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «...Илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замоनावий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш; давлат тилини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш...»<sup>1</sup> вазифаларини бажаришда оммавий коммуникация жараёнидаги медиамакон трансформацияси олим ва тадқиқотчиларнинг медиа соҳасида ОАВ матнининг дискурсив контекстида, жумладан, газета тилининг замоनावий тенденциялари саналган стандартлик ва экспрессивлик хусусиятларини очиб бериш заруратини юзага келтиради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5850-сон Фармони. [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 21.10.2019.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup>, 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>3</sup>ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги<sup>4</sup> Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигида медиалингвистика йўналишида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бунга медиаматнларнинг асосий категориялари, медиаматн тузиш тамойиллари, ОАВ тили ва услуби, дискурс назарияси ва публицистика тилини ўрганган Т.Г.Добросклонская, М.Н.Володина, А.А.Леонтьев, Т.В.Чернышова, Н.В.Чичерина, Я.Н.Засурский, И.М.Кобозева, А.Абдусаидов, Г.Х.Бакиева, Д.М.Тешабаева, С.Д.Саъдуллаев, И.Е.Тошалиев, С.Х.Шомаксудова, М.Исраил, Ш.С.Сафаров, Ё.Р.Одилов каби бир қатор хорижий ва юртимиз олимларининг илмий изланишлари ва тадқиқотларини мисол сифатида келтириш мумкин<sup>5</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 08.02.2017.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5653-сон Фармони. [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 02.02.2019.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори. [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 20.04.2017.

<sup>5</sup> *Добросклонская Т.Г.* Вопросы изучения медиатекстов: Опыт исследования современной английской медиаречи. – М.: URSS: 2010. – 288 с.; *Володина М.Н.* Язык СМИ – особый язык социального взаимодействия // Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч.2. – М.: МГУ. 2004. – С. 38; *Леонтьев А.А.* Психолингвистический анализ языка СМИ // Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч.2. – М.: МГУ, 2004. – С. 97; *Чернышова Т.В.* Фатическое общение в сфере газетной коммуникации / Русский язык: исторические судьбы и современность. Труды и материалы II Международного конгресса исследователей русского языка. – М.: МГУ, 2004. – С. 442-443; *Чичерина Н.В.* Типология медиатекстов как основа формирования медиаграмотности // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. – 2007. – Вып. 7. Т. 9; *Засурский Я.Н.* Колонка редактора: медиатекст в контексте конвергенции // Вестник МГУ Серия 10: Журналистика, 2005. – № 2; *Кобозева И.М.* Лингвопрагматический аспект анализа языка СМИ // Язык СМИ. – М.: Академический проспект, 2008. – С. 221; *Абдусаидов А.А.* Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. ф. д-ри... дисс. автореферати. – Т., 2005; *Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М.* Медиаматнларнинг матн (Монография). – Т., 2019. – 222 б.; *Саъдуллаев С.Д.* Язык и стиль средств массовой информации. – Ташкент: Заркалам, 2002; *Тошалиев И.Е.* ва б. ОАВ тили ва услуби. – Т.: Университет, 2000; *Шомаксудова С.Х., Исраил М.И.* ОАВда ёзма матн. Нутқ ва мунозара. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2018. – 180 б.; *Сафаров Ш.С.* Лингвистика дискурса / Ш.С.Сафаров. – Челябинск; ЧГИК, 2018. – 316 с.; *Одилов Ё.Р.* Глобаллашув даври публицистикаси тилининг тараққиёти. – Т.: Нодирабегим, 2020. – 140 б.

ОАВ тилининг функционал-услугий мақомини аниқлаш, медиаматнларнинг турли кўринишларини тасвирлаш усуллари, социал-маданий омиллар, лингво-медиавий технологияларнинг медианутқдаги таъсири ва бошқалар Н.Фейерклаф, А.Белл, Т.Ван Дейк, Ж.Бигнелл, Р.Водак, Б.Буш каби машҳур олимларнинг номлари билан боғлиқ. Улар медиаматнни социолингвистика, функционал стилистика, дискурсив таҳлил, контент-таҳлил, когнитив лингвистика каби турли йўналишлар бўйича ўрганишган<sup>6</sup>.

Россияда медиаматн назариясини шакллантириш ва ривожлантиришда Т.Г.Добросклонская, Д.Н.Шмелев, С.И.Бернштейн, В.Г.Костомаров А.Н.Василева, Ю.В.Рождественский, Г.Я.Солганик, С.И.Трескова, И.П.Лысакова, Б.В.Кривенколар салмоқли ҳисса кўшганлар<sup>7</sup>. Медиалингвистиканинг асосий категорияси сифатида медиаматн тушунчаси тўлиқ шаклда илк марта Т.Г.Добросклонскаянинг илмий ишларида пайдо бўлган<sup>8</sup>.

Медиа тилининг дискурсив таҳлили И.М.Шевелевский, Т.Ван Дейк, Р.Фаулер, Н.Фарклау, Д.Маттенсон, М.Монтгомери, Д.Шифрин, Д.Таннен, Х.Хамилтон, Т.Г.Добросклонская, Д.М.Тешабаева каби олимларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган<sup>9</sup>. Замонавий газета тили ҳақидаги кўплаб маълумотларни Данута Ри илмий изланишларида учратиш мумкин<sup>10</sup>.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотларда, асосан, тил меъёрлари масалалари, медиаматннинг умумий хусусиятлари ва дискурсив таҳлили, газета жанрларининг тил хусусиятлари ўрганилган. Аммо газета тилининг замонавий тенденциялари – стандартлик ва экспрессивликнинг газета

---

<sup>6</sup> Fairclough N. Language and Power. – London, 1989. 226 p.; Bell A. The Language of News Media. – Oxford, Blackwell, 1991. – 296 p.; Теун ван Дейк. Язык. Познание. Коммуникация / пер. с англ. – М., 1989. – 308 с.; Bignell J. Media Semiotics, An Introduction. 2nd edn. – Manchester: Manchester University Press, 2002. – 240 p.; Wodak, Ruth; Brigitta Busch (2004) Approaches to media texts. In: John Downing; Denis McQuail; Philip Schlesinger; Ellen Wartella (eds.) Handbook of Media Studies. – Thousand Oaks, London, New Delhi. – Sage. 105-123.

<sup>7</sup> Добросклонская Т.Г. Теория и методы медиалингвистики (на материале английского языка). – М., 2000; Шмелев Д.Н. Синтаксическая членимость высказывания в современном русском языке. – М.: КомКнига, 2006. – 152 с.; Бернштейн С.И. Язык радио. – М., 1977; Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе. Некоторые особенности языка современной газетной публицистики. – М.: МГУ, 1971; Васильева А.Н. Газетно-публицистический стиль речи: курс лекций по стилистике русского языка. – М.: Русский язык, 1982. – 197 с.; Рождественский Ю.В. Теория риторики. – М., 1997; Солганик Г.Я. Общие особенности языка газеты // Язык и стиль средств массовой информации и пропаганды. – М.: МГУ, 1980. – С. 22; Трескова С.И. Социолингвистические проблемы массовой коммуникации. – М., 1989, – С. 178; Лысакова И.П. Язык газеты: социолингвистический аспект. – Л.: ЛГУ, 1981; Кривенко Б.В. Язык массовой коммуникации: лексико-семиотический аспект. – Воронеж, 1993.

<sup>8</sup> Добросклонская Т.Г. Теория и методы медиалингвистики (на материале английского языка). – М., 2000.

<sup>9</sup> Шевелевский И.М. Информационно-аналитические тексты в деловом медиадискурсе (на материале онлайн-версий Российских СМИ). Дис. ...канд.филол.наук. – Тверь, 2015; Теун А. ван Дijk. Elite Discourse and Racism. – USA, 1993; Fowler R. Language in the News: Discourse and Ideology in the Press. – London, 1991 – 254 p.; Fairclough N. Analysing Discourse: Textual Analysis for Social Research. – Routledge, 2003. – 288 p.; Mattheson D. Media Discourses: Analysing Media Texts. Issues in Cultural and Media Studies. – Open University Press, 2005. – 224 p.; Montgomery M. Discourse of Broadcast News. A linguistic approach. – Routledge, 2007. – 246 p.; Schiffrin D. Approaches to Discourse. – Oxford; Cambridge, Mass.: Basil Blackwell, 1994. – 470 p.; Добросклонская Т.Г. Медиадискурс как объект лингвистики и межкультурной коммуникации // Вестник Московского университета, 2006. Серия 10. – № 2; Тешабаева Д.М. The Discours Analysis of Media Text. International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) ISSN: 2509-0119. © 2018 International Journals of Sciences and High Technologies, 2018. July. Vol. 9 No. 2.

<sup>10</sup> Reah D. The Language of Newspapers. Second Edition. – London: Routledge, 2002. – 126 p.

матннини яратишдаги ўрни ва роли алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган, ўзбек ва инглиз тиллари мисолида чоғиштирма таҳлил қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № И-204-4-5 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва инглиз тилларида газета публицистикасида стандартлик ва экспрессивлик тенденцияларининг дискурсив хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

назарий жиҳатдан муаммонинг ўрганилганлик даражасини ёритиш, газета тилининг лингвистик хусусиятларини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларида газета матнининг стандартлик даражасини таҳлил қилиш ҳамда унда расмий ва публицистик услубнинг ўрнини асослаш;

ўзбек ва инглиз тилларида газета матнидаги стандартлашган сўз бирикмаларининг сўз туркумлари доирасидаги ясаиш моделларини ёритиш;

ўзбек ва инглиз тилларида газета матнидаги клише ва штампларнинг стандартлик даражасини очиб бериш ҳамда кириш сўзларнинг функциялари ва услубий хусусиятларини ёритиш, мисоллар орқали далиллаш;

газета-публицистик услубнинг асосий жиҳатларидан бири – эмоционал-экспрессивлик таъсир кўрсатиш функцияси билан бевосита боғлиқлигини ва ўзбек ва инглиз тилларида ахборотни етказишда стандартлик ва экспрессивликнинг ўзаро алоқасини асослаш;

ўзбек ва инглиз тилларида газета матнининг экспрессивлигини оширувчи элементлар – тиниш белгилари ҳамда тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланган троп ва фигураларнинг услубий жиҳатларини ёритиш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, оммабоп газеталари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни газета матни тенденцияларини дискурсив таҳлил қилишда стандартлик ва экспрессивлик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда дискурсив таҳлил, тавсифлаш, қиёслаш (чоғиштирма), лексик-синтактик, лексик-семантик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

медиаматннинг дискурсив таҳлили доирасида газета матни стандартлик тенденциясининг ахборий ва таҳлилий жанрларда клише ва штамплардан юқори даражада фойдаланишга боғлиқлиги, ўзбек ва инглиз газеталаридаги воқеалар ривожини уларнинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда



ёритилиши ва бу жараёнда ижтимоий-сиёсий лексика ва профессионализмларни штамплар қаторига киритиш қўлланилиш частотаси билан белгиланиши асосланган;

ўзбек ва инглиз тилларида матннинг дискурсив аспекти ахборий-коммуникатив ҳамда тил меъёрларига мувофиқ ҳолда маълум бир контекстда стандартлашган сўз бирикмаларининг сўз туркумлари доирасида ясалиш моделларининг ўзбек тилида от+феъл, сифат+от бирикуви, инглиз тилида эса verb+preposition+noun, adjective+noun, verb+article+noun сермахсул бирикувида амалга оширилиши исботланган;

газета матнларида кириш сўзлардан фойдаланиш жанр спецификаси билан боғлиқлиги, хусусан, бу кўрсаткич ўзбек газеталарида ахборий (стандарт матнлар) ва бадиий-публицистик жанрларида, инглиз газета матнларида эса кириш сўзларнинг қўлланилиш даражаси таҳлилий жанр материалларида юқори эканлиги аниқланган;

турли метафорик гуруҳлар (харбий, спорт, тиббий, театр ва кино санъатига оид сўзлардан иборат метафора)га оид сўз ва сўз бирикмаларининг ҳам ўзбек, ҳам инглиз газета матнларида қўлланилиши мутаносиб эканлиги ҳамда замонавий ўзбек ва инглиз тилларидаги газета матнида кузатилаётган антистандартлик ва антиэкспрессивлик ҳодисаси услубий принципга бўйсунуши ва антиэкспрессивлик ҳодисаси ўзбек газета матнларида, антистандартлик ҳодисаси эса инглиз газета матнларида устун эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз тилларида газета матнида стандартлик ва экспрессивликнинг услубий хусусияти тавсифи шакллантирилиб, тилшунослик тизимида ва амалиётда қўллаш мумкинлиги асосланган;

медиамаатнларнинг дискурсив таҳлили борасида олинган натижалар магистратура ва бакалавриат босқичлари талабаларига медиа тили ва услуги, таҳрир маҳорати курслари бўйича машғулотларни ташкил этишда ва ўқув адабиётларини яратишда методик таъминот базаси сифатида шакллантирилган;

чоғиштирилаётган замонавий газета тили тенденциялари, медиамаатн назарияси, матн тузиш тамойиллари дискурсив талқин қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** хулосаларнинг ишончлилиги, муаммонинг аниқ баён қилиниши, ишда қўлланиладиган ёндашувлар ва усулларнинг самарадорлиги билан белгиланади. Шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва инглиз тиллари лексикологияси ва лексикографияси, лингвомаданиятшунослик, медиалингвистика бўйича

назарий манба яратишда, медиалингвистика-дискурс-медиамаатн спецификасини тилшуносликнинг турли йўналишларида тадқиқ қилишда ҳамда дарслик ва қўлланмаларни қўшимча материаллар билан таъминлашда илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан медиамаатн яратиш, таҳрир маҳоратини ошириш, ахборотни таъсирчан тарзда етказишда ҳамда ОАВ тилининг услубий хусусиятларини ёритишда, шунингдек, ОАВ тили ва таҳрири, медиамаатн тузилиши, маатн грамматикаси, терминшунослик, лингвистика, лексикология, лексикография, терминография фанлари бўйича маъруза курслари, семинар машғулотларини ишлаб чиқишда ҳамда олиб боришда, дарслик, ўқув қўлланмалари ёзишда, терминологик луғатлар тузишда амалий манба вазифасини бажариш имконияти билан билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Медиадискурсда газета тили тенденциялари (ўзбек ва инглиз тиллари мисолида) бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг илмий натижалари асосида:

медиамаатннинг дискурсив таҳлили доирасида газета маатнининг стандартлик тенденцияси, жумладан, ахборий ва таҳлилий жанрларда клише ва штамплардан юқори даражада фойдаланишга боғлиқлиги, ўзбек ва инглиз газеталаридаги воқеалар ривожини уларнинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ёритилиши ва бу жараёнда ижтимоий-сиёсий лексика ва профессионализмларни штамплар қаторига киритиш уларнинг қўлланилиш частотаси билан белгиланишига асосланиши каби илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан нашр қилинган журналистика соҳасида 10 томлик қўлланманинг «Медиалингвистика ва таҳрир» номли китоби 3-жилдида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2021 йил 27 январдаги 05/2-365-сон маълумотномаси). Натижада медиа тилининг замонавий тенденциялари, хусусан, стандартлик ва экспрессивликни ўзида ифода этган мисоллар, медиамаатннинг дискурсив таҳлили бўйича амалга оширилган таҳлиллар мазкур манбани яратишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилган;

ўзбек ва инглиз тилларида маатннинг дискурсив таҳлили ахборий-коммуникатив ҳамда тил меъёрларига мувофиқ амалга оширилиши ва тил воситаларини танлаш коммуникатив жараён билан боғлиқлиги, стандартлашган сўз бирикмаларининг сўз туркумлари доирасида ясалаш моделларининг таҳлили ўзбек тилида от+феъл, сифат+от бирикуви, инглиз тилида эса verb+preposition+noun, adjective+noun, verb+article+noun бирикуви сермахсул эканлигини ифодаловчи ёндашувлар ва амалий таклифлардан Самарқанд давлат чет тиллар институти томонидан амалга оширилган И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялар асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида

фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 27 майдаги 1156/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши лойиҳа доирасида яратилган дарслик, ўқув-услубий мажмуа, услубий қўлланма, виртуал ресурсларни энг сўнгги маълумотлар ва адабиётлар билан бойитишда муҳим асос бўлган;

Ўзбек ва инглиз тилларидаги газета матнларида кириш сўзлардан фойдаланиш газета жанр спецификаси билан боғлиқлиги, ўзбек газетларида бу кўрсаткич ахборий (стандарт матнлар) ва бадиий-публицистик жанрларда кенг қўлланилиши билан аҳамиятли эканлиги, инглиз газета матнларида кириш сўзларнинг қўлланилиш даражаси таҳлилий жанр материалларида юқори эканлиги сингари тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Республика илмий-амалий инновацион маркази тингловчилари учун «Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)» таълим йўналиши 3.1. Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулини ўқитишда ҳамда «Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)» таълим йўналишида 3.5. «Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили» модуллари бўйича ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуаларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2021 йил 2 февралдаги 10-06/05-сонли маълумотномаси). Натижада яратилган ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуалар марказ тингловчиларининг таржимашунослик ва коммуникатив тилшунослик модулларининг интеграциялашувининг аҳамияти, газета тилининг замонавий тенденциялари асосида матн тузиш хусусиятлари, матннинг дискурсив таснифи борасидаги билимларини янада оширишга бевосита хизмат қилган;

турли метафорик гуруҳлар (ҳарбий, спорт, тиббий, театр ва кино санъатига оид сўзлардан иборат метафора)га оид сўз ва сўз бирикмаларининг ҳам ўзбек, ҳам инглиз газета матнларида қўлланилиши мутаносиб эканлиги ҳамда замонавий ўзбек ва инглиз тилларидаги газета матнида кузатилаётган антистандартлик ва антиэкспрессивлик ҳодисаси услубий принципга бўйсунishi ва антиэкспрессивлик ҳодисаси ўзбек газета матнларида, антистандартлик ҳодисаси эса инглиз газета матнларида устун эканлиги ҳақидаги илмий натижалардан Тошкент шаҳридаги Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳинд маданият маркази томонидан тайёрланган ўқув адабиётларида фойдаланилган (Тошкент шаҳридаги Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳинд маданият марказининг 2021 йил 23 августдаги 35-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши орқали ўқув адабиётларини яратишда матн тузиш ва унга услубий ҳамда образли баҳо беришда замонавий газета тилининг стандартлик ва экспрессивлик тенденцияларининг ўрни муҳимлиги, троп ва фигуралардан фойдаланиш матннинг экспрессивлигини оширишда ва оммавий аудиторияни кенг жалб қилишда ўзига хос вазифани бажариши кўрсатиб ўтилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, усуллари тавсифланган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жаҳон тилшунослигида медиаматннинг дискурсив таҳлиliga оид илмий-назарий қарашлар**» деб номланувчи биринчи бобида медиаматн медиалингвистиканинг асосий категорияси, медиа тилининг дискурсив таҳлили, газета-публицистик услубининг замонавий тенденцияси юзасидан илмий-назарий изланишлар тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда медиаматн, медиадискурс, медиа тилини ўрганишга бағишланган изланишлар сони тобора ортиб бормоқда. Медиа тилига, жумладан, газета тилига бўлган қизиқишнинг кучайиши медиалингвистиканинг мустақил йўналиш сифатида вужудга келиши ва ривожланиши, оммавий коммуникация ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари билан боғлиқ бир қатор омилларни келтириб чиқарди. Д.М.Тешабаеванинг фикрига кўра, «...оммавий ахборот воситалари (бундан кейин ОАВ) тилига янгича ёндашувлар фақат дунё тилшунослиги ривожланишининг умумий йўналишлари билангина боғлиқ эмас. ОАВнинг ўзгарувчан вазифалари, жамиятда рўй бераётган ўтиш даври жараёнлари ҳам бунга бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса, жамиятда маданият, сиёсат ва мафкурада рўй бераётган жараёнларни инобатга олган ҳолда ОАВ тилини англаш заруратини келтириб чиқаради»<sup>11</sup>.

Таъкидлаш лозимки, медиалингвистиканинг фан сифатида пайдо бўлиши тилшунослар олдига унинг энг муҳим шартларини ишлаб чиқишдек вазифани юклайди. «Бугунги кунда медиаматн қайсидир маънода оддий матндан аҳамиятлироқдир. Бу ҳар томонлама ва янада аниқ ифодаловчи графика, шу билан бирга, воқеаларни кадрларда мужассам этган телевизион овозли матн ҳамдир. Медиаматн универсал хусусиятларга эга. Унинг ўзига хослиги шундаки, у турли медиа тузилмаларга киритилиши мумкин»<sup>12</sup>.

М.Ю.Казак медиаматннинг асосий категорияларига қуйидагиларни киритади:

**медиавийлик** – матннинг у ёки бу медиавоситалар ёрдамида мужассамлашуви, тарқалиш каналининг формати ва техник имкониятлари билан детерминацияланишувини ўз ичига олади;

<sup>11</sup> Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол.ф. д-ри... дисс. – Т., 2012. – Б. 35.

<sup>12</sup> Засурский Я.Н. Медиатекст в контексте конвергенции // Вестник МГУ. Сер.10: Журналистика, 2005. –№ 2.

**оммавийлик** – медиамаҳсулотлар ишлаб чиқарилиши баробарида оммага тақдим этилиши;

**интегративлик** – турли семиотик кодларнинг ягона коммуникатив яхлитликка бирлашуви билан кечадиган жараён бўлиб, медиаматни яратишда унинг мазмун-моҳияти, тузилиши эътиборга олинишини таъминлайди<sup>13</sup>.

Дарҳақиқат, медиаматн – тури ва жанридан қатъий назар ҳар қандай оммавий ахборот воситаларининг матни ҳисобланиб, унинг шарофати билан оммавий коммуникация соҳасида нутқий мулоқот амалга оширилади. Оммавий ахборот воситаларининг асосий бирлиги бўлмиш медиаматн мураккаб, кўп қиррали бўлиши баробарида ҳар томонлама баҳоланади. ОАВ орқали ахборот тарқатилиши *дискурсив* фаолият деб аталадиган алоҳида жараённинг амалга оширилиши асносида содир бўлади. Дискурс бу – аниқ бир вақт ва умумий хронологик доира билан чекланган *тилдан фойдаланиш жараёни* (нутқий фаолият) *дир*<sup>14</sup>.

Шу нуқтаи назардан Ван Дейкнинг фикрига кўра, дискурснинг мунтазам таҳлили нутқнинг тегишли даражалари ва меъёрларини ҳамда уларнинг ижтимоий, маданий ва когнитив контекстларининг қуйидаги тавсифини ифодалайди: жумлаларнинг синтактик тузилмалари – сўз тартиби ва кетма-кетлиги; лексикализация (сўзларни танлаш); экспрессив тузилмаларининг стилистик ўзгариши, масалан, лексик ва синтактик ўзгаришлар; риторик операциялар (нутқ фигуралари ва троплар: метафора ёки гипербола кабилар); кенг тарқалган умумий матн шакллари (янгиликлар дискурси, суҳбат ёки институционал диалоглар); коммуникатив ҳодисалар ва вазиятларнинг бошқа хусусиятлари, масалан, иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар, коммуникатив мақсадлар ва манфаатлар, шароит, вазият, бошқа ҳаракатлар билан муносабатлар, институционал контекст ва бошқалар ва ҳ.к<sup>15</sup>.

Газета-публицистик услубига оид материлларнинг дискурсив таҳлили натижасида медиаматни яратилиши публицистик услуб кўринишлари билан боғлиқлиги аниқланди. Публицистика жанрлари ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эгадир, улар ҳам худди адабиёт ва санъатдаги жанрлар сингари кичикдан каттага, ягонадан умумийга, оддийликдан мукамалликка қараб ўсиб боради<sup>16</sup>.

А.А.Абдусайдов газета-публицистик услубнинг қуйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатади: ахборот (информацион), таҳлилий (аналитик) ва бадиий-публицистик<sup>17</sup>. Ахборот етказиш зарурати андозавийликни келтириб чиқарган бўлса, унга баҳо бериш эҳтиёжи таъсирчанликни тақозо этди. Бундай анъана тадқиқотчилар томонидан

<sup>13</sup> Казак М.Ю. Медиатекст: сущностные и типологические свойства // Global Media Journal. Глобальный медиажурнал. Российское издание. – URL: [http://test.gmj.sfedu.ru/v2i1/v2i1\\_kazak.htm](http://test.gmj.sfedu.ru/v2i1/v2i1_kazak.htm).

<sup>14</sup> Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол.ф. д-ри... дисс. – Т., 2012. – Б. 40.

<sup>15</sup> Teun A. van Dijk. Elite Discourse and Racism. 1985. – P. 28.

<sup>16</sup> Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Тафаккур, 2011. – Б. 229.

<sup>17</sup> Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. д-ри... дис. автореф. – Т., 2005. – Б. 11.

қонуният деб эътироф этилган. Шунинг учун ҳам андозавийлик ва таъсирчанлик газетагина эмас, балки бутун матбуотга хос хусусиятлар сифатида тан олинган бўлиб, улар икки услубий белгининг диалектик бирлигини ташкил этади. Стандартлик ва экспрессивлик, информативлик ва эмоционаллик оппозицияси ҳам публицистик услубнинг конструктив белгилари саналади ва улар турли жанрларда турлича намоён бўлади.

«Ўзбек ва инглиз газета дискурсида стандартлик тенденцияси» деб номланган иккинчи бобда газета-публицистик дискурсида стандартлик тенденцияси, газета матнида лексик ва синтактик стандартлик даражаси, клише ва штамплар газетанинг асосий хусусиятларидан бири эканлиги, кириш сўзларнинг стандартлиги ва услубий хусусияти тадқиқ қилинган.

Тилда стандартлик зарур, чунки ҳар бир ҳолат учун махсус ифода воситаларини ихтиро қилиш мумкин эмас. Бу зарур эмас – бундан ташқари, у она тилни қийинлаштириши ёки ҳатто ўзаро тушунишни бузиш эҳтимоли бор. Стандартнинг ўзига хос хусусиятлари репрезентативлик, бир ёқлама семантика ва, энг аввало, нейтрал-меъёрий бўёқдорликдир. Газета тилига хос андозавий birlikлар ОАВ фаолияти маҳсули ҳисобланади. Чунки улар фақат ОАВ доирасида яратилади ва қўлланилади<sup>18</sup>. Ш.Балли «... тилда қолипчилик, андозавийлик журналистик фаолиятдаги тезкорлик, мавзулар ва вазиятларнинг такрорланувчанлиги ҳамда даврийлиги туфайли юзага келади», деб ҳисоблайди<sup>19</sup>. Газетадаги энг кўп ва тез-тез қўлланадиган ибора ва жумлалар тайёр қолип асосида тузилади. Улар газета материални тайёрлаш жараёнида ишлаб чиқилади ва лисоний қолиплар тарзида намоён бўлади.

Ўзбек газета матнидаги *авваламбор, аввало, агар, айнан, айна пайтда, айна вақтда, аксарият, қатъий* ва ҳ.к. модаллик хусусияти мавжуд бўлган стандарт сўзлардан фойдаланилади: «...*Айна пайтда юртимизда энг улуг ва энг азиз байрамимиз Мустақиллик байрами шодиёналарига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда...*» (ХС. 2018. №106) ва ҳ.к. Бу турдаги стандарт сўзлар инглиз тилидаги газета матнларида ҳам мавжуд: *just, if, first, fore more, exactly, at the same time, majority, firmly*: “...*at the same time delegation headed by Trade Minister ...*” (WP.12.08.2018) ва ҳ.к.

Ўзбек тилидаги газетанинг ахборий жанрдаги материалларида хилма-хил, стандартлашган сўз бирикмаларининг сўз туркумлари доирасида ясалиш моделларининг қуйидаги шакллари кузатилди: от+феъл бирикуви: *элон қилинди, сабаб бўлди, йўлга қўйилди, эътибор қаратилди, муҳокама қилинди* ва ҳ.к.; сифат +от+феъл бирикуви: *муҳим омил бўлмоқда, имтиёзли кредитлар берилди, самарали мулоқотлар ўрнатилди, икки томонлама алоқалар ўрнатилди* ва ҳ.к.; от + от бирикуви: *давра суҳбати, депутатлар сўровномаси, сайлов қонуни, мулоқот натижаси* ва ҳ.к.; сифат + от бирикуви: *фаровон ҳаёт, демократик жамият, халқаро ҳамжамият, теран фикр* ва ҳ.к. Масалан: «...*ҳамкорлик асосида амалга ошириш бўйича*

<sup>18</sup> Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол.ф. д-ри... дисс. – Т., 2012. – Б. 108.

<sup>19</sup> Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961. – С. 109.

кўрсатмалар берилди» (ХС. 2019. № 205); «...марказ кенг мулоқот майдонига айланди» (Ж. 2019. № 20); «...сайлов қонунчилигини такомиллаштиришига алоҳида эътибор берилмоқда» (М. 2016. № 42); «...Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг фаровонлик даражасини муносиб баҳоламоқда» (Ж. 2018. № 10) ва ҳ.к.

Инглиз газета матнида сўз бирикмалари қуйидаги моделлар асосида ясаилиши кузатилди: verb + article + noun бирикуви: *to take the oath, to sign an argument, to stand in the way, to support the president* ва ҳ.к.; verb + preposition бирикуви асосида *approval to, depend on, differ from, in order to, arrive in, report of, to take off, take on, believe to, to price for* ва ҳ.к.; verb + preposition + noun бирикуви асосида ясалади: *to ban on exporting, to be in effective; to criticize for situation, to sit in the cabinet* ва ҳ.к.; adjective + noun: *international relations; international tension; orbital station; joint research; peaceful means; legitimate interest; great powers; nuclear powers* ва ҳ.к.; verb + noun: *to strengthen peace; to order an investigation, to ban nuclear tests; to stop the arms race; to maintain peace; to use electromagnetism, to have priority* ва ҳ.к. Масалан: “*Most Americans support the president and his initiatives...*” (NYT. 23.04.2021); “*...the International Olympic Committee’s approval to protest*” (BG.20.02.2021); “*U.S. ban on exporting raw materials to make the doses*” (NYT.10.09.2020); “*After the worst year for the global economy since the Great Depression...*” (WSJ. 25.04.2021); “*...and will order an investigation into the cause*” (UT. 12.07.2019); “*The Exploration Program is a science-driven program...*” (WP. 14.12.2018) ва ҳ.к.

Умуман олганда, стандартлашган сўз бирикмаларининг сўз туркумлари доирасида ясаилиш моделларининг таҳлили бўйича олинган натижаларига кўра, ўзбек тилида от+феъл, сифат+от бирикуви, инглиз тилида эса verb + preposition + noun, verb+article+noun, adjective+noun бирикувлари устунликка эга эканлиги аниқланди.

Газета ва публицистик услубнинг асосий хусусиятларидан бири уларда клише ва штамплардан кенг фойдаланишидир. Фактларни тўғри акс эттириш оммавий ахборот воситалари учун муҳимлиги боис хабарлардаги хусусиятлар воқеа содир бўлган вақт, макон, шунингдек, ахборот манбасини кўрсатиш билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, клишеларни қуйидагиларга ажратади:

- 1) вақт ҳолатини ифодаловчи клишелар;
- 2) макон ҳолатини ифодаловчи клишелар;
- 3) ахборот манбасини кўрсатувчи клишелар.

Публицистик услубда штамплар сифатида эътироф этиладиган қўлланилиш доираси кенг бўлган тил воситалари: *мақсадида, мувофиқ, биноан, белгиламоқ, тасдиқламоқ, кучайтирмақ, назорат ўрнатмоқ, зиммасига юкламоқ* ва инглиз тилидаги *to declare, argue that, prove to, in order to, compare with, focus on, adopt to, celebrate, accept, define, solve the problem, visit* ва ҳ.к.лар шулар сирасига киради. Масалан: «*Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклиф киритилди*» (А. 2018. № 25). Инглиз



тилида: *“Debate surrounding the vote will better define what politicians want and what prime minster can take back for further negotiations with European officials”* (NYT. 23.03.2017) ва ҳ.к.

Штамплардан фойдаланиш фикр-мулоҳазанинг ҳиссийлигини, унинг ахборотлилигини пасайтиради ва натижада аудиторияга таъсири ҳам йўқолади.

Медиа-нутқда турли хил: расмий амалийга оид, илмий, одоб-ахлоққа доир (ўзбек газеталарида) клишелар кенг қўлланилади. Тўғри фойдаланишда улар ўзларининг аниқ маълумотни етказиш, мантикий ва ишонарли мулоҳазаларни яратиш ва аудитория билан алоқа ўрнатиш каби асосий функцияларини бажаришда давом этади.

Расмий-амалий услубининг таъсири натижасида пайдо бўлган нутқий штамплар орасида нутқнинг *ушбу босқичда, шу даврда, бугунги кунда, амалда бўлган* каби қолипчи оборотлари қўлланилиши кузатилди. Бу ҳолат инглиз газеталарида ҳам аниқланди: *several times, this period, at the same time, at the moment, today, nowadays, at this time of the year, in a different political environment* ва ҳ.к. Масалан: *«Бугунги кунда бозорларда нарх-навонинг кўтарилиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди»* (ЯЎ. 2020. № 34). Инглиз тилида: *“At this time of a year, Australians like to enjoy a dip in the Ocean”* (LAT. 17.08.2017).

Умуман олганда, газета ахборот воситаси, у катта ва кенг аудитория учун мўлжалланган. Шу боис ҳам маълумотларни тез, осон ва ишончли етказиш зарурияти пайдо бўлади. Матн яратиш, воқеа ва ҳодисаларни ўқувчига қисқа вақт ичида етказиш штамплар ва клишелардан фойдаланишга олиб келади.

Айтиш мумкинки, «штамп» ва «клише» тушунчалари ҳар хил таърифларга эга. Баъзи тадқиқотчилар бу тушунчаларни аниқ фарқлайдилар, айримлари эса бу сўзларни синоним деб ҳисоблашади. Клише ва штамплар осон такрорланадиган, семантиканинг равшанлиги, фикрнинг лаконик ифодаси билан ажралиб туради. Улардан фойдаланиш матн яратиш жараёнини осонлаштиради, куч ва вақтни тежайди. Мавзуларнинг кенг доираси ва уларнинг такрорланиши ўзига хос тематик клише ва штампларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Маълумки, кириш сўзлар – гап билан синтактик боғланмаган сўзлар бўлиб, медиаматнларда баён қилинаётган фикрга муносабатни, фикрнинг умумий баҳосини, кимга карашли эканлигини ёки олдинги фикр билан алоқасини билдиради. Улар кириш сўз ва сўз бирикмаси, гап шаклида барча нутқ услубларида жумладан, газета-публицистик услубида қўлланилади. Ўзбек ва инглиз газета матнида кириш сўзлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларнинг матндаги стандартлик даражаси, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланди. Улар қуйидагилардан иборат:

Гумонни ифодалайди: ўзбек тилида: *эҳтимол, шекилли, балки, чоғи, афтидан, башарти* ва инглиз тилида: *probably, perhaps, at the time, apparently* ва ҳ.к. Масалан: *«Эҳтимол йиллар ўтар, замонлар ўзгарар, бироқ авлодлардан қолган бой маданий мерос ўз аҳамиятини*

йўқотмайди» (М. 2019. №21); *“Perhaps the parties, by authorizing specific reservations, were merely emphasizing that such reservations were not contrary”* (NYT. 2019. № 29) ва ҳ.к.

Орзу-умид, истак, мамнунликни ифодалайди: ўзбек тилида: *минг шукрки, шукрки, шукрлар бўлсинки, хайрият, ишқилиб, яхшиямки* ва инглиз тилида: *well, wish, with pleasure* ва ҳ.к. «Яхшиямки, тўйларни тартибга солувчи қарор қабул қилинди» (И. 2018. № 22); *“With pleasure the delegation noted and satisfaction the Secretary-General’s introductory statement at the commencement of this High-level Meeting”* (NYT. 04.12. 2019) ва ҳ.к.

Таъкидни ифодалайди: ўзбек тилида: *ахир, бинобарин, бундан ташқари, бир сўз билан айтганда, шу ўринда таъкидлаш лозимки, умуман олганда* ҳамда инглиз тилида: *in addition, in fact, besides* ва ҳ.к. «Умуман олганда, мамлакатимизда рўй бераётган ислоҳотлар жараёнларига бўлган муносабат...» (А. 2019. № 42); *“In fact, it was the first peace-keeping force ever created by a General Assembly resolution”* (NYT. 15.07.2017) ва ҳ.к.

Таажжубни ифодалайди: ўзбек тилида: *наҳотки, тавба, қаранг, таажжубки, таассуфки* ва инглиз тилида: *why, unfortunately* ва ҳ.к. «Таажжубки, матбуот анжуманида мухбирларнинг саволларига мутассади ташкилот вакилларида аниқ жавоб олинмади» (ОЖ. 2016. № 10); *“Unfortunately, in contemporary discussions of the green economy, foresters may find themselves on the periphery, apparently”* (WSJ. 4.12.2020).

Ўзбек ва инглиз тилларидаги газета матнларининг таҳлилидан шу нарса аниқ бўлдики, кириш сўзлари деярли икки тилда кўп ишлатилади. Улардан фойдаланиш газета жанр спецификасига боғлиқ. Ўзбек газеталарида бу кўрсаткич стандарт матнларда, айниқса, ахборий ва бадиий-публицистик жанрларда кенг қўлланилиши билан аҳамиятли бўлса, инглиз газета матнларида кириш сўзларнинг қўлланилиш даражаси таҳлилий материалларда юқори эканлигини ифодалайди.

Учинчи боб «**Ўзбек ва инглиз газета дискурсида экспрессивлик тенденцияси**» деб номланган бўлиб, мазкур бобда газета матнида экспрессивликнинг услубий-коммуникатив хусусиятлари, замонавий газетада экспрессив контекстлар, тилнинг тасвирий воситалари газета матнининг экспрессивлигини оширувчи восита сифатида ва газета дискурсида «антистандартлик» ва «антиэкспрессивлик» таҳлил этилган.

Газета матнларидаги экспрессивлик айрим ҳолларда қўшимча тиниш белгилари, сўз ва таърифнинг киритилиши туфайли юзага келади. Маълумки, қўштирноқ газета матнининг баҳолаш жиҳатини етарли даражада идрок этишни таъминлашга ёрдам беради. Масалан: «Жамият» газетасининг 2020 йил 19-сонидаги «Ўзбекчилик»ка айланаётган коррупция ёхуд кўз илгамас ҳақиқатлар» номи остида берилган мақоладан мисол келтирамиз: «Коррупция мавзусини нега айнан «суюнчи пули»дан бошлаганимнинг сабаби шунда: биз шу ёруғ дунёни кўрганамиз биланоқ бошимиз «коррупцияга урилади». Мақола сарлавҳасидаги «ўзбекчилик» сўзи гапдаги «суюнчи пули» ва «коррупцияга урилади» каби сўз бирикмаларининг қўштирноққа олиниши контекстга қўшимча маъно беради, коннотатив хусусиятга эга ва

тасвирланган далилларга муаллифнинг кинояли муносабатини акс эттиради. Америка Кўшма Штатлари газеталарида, айниқса, сиёсий мавзулар ёритилган мақолаларда сўзларнинг кўштирноқ ичига олиниши ўзбек газеталарига караганда кўп учрайди. Шу йўл орқали америкалик журналистлар ёритилаётган мавзуга кенг оммани жалб этишга ҳаракат қилади ва экспрессивликни ифодалашнинг бу тури АҚШ газеталарида кенг тарқалганлиги билан аҳамият касб этади: *“Beijing reacted angrily to the arrest, warning of “serious consequences” for Ottawa and later detained two Canadians for “activities harmful to national security”* (УТ. 12.01.2019).

Ундов тиниш белгиси ҳам маълум бир вазиятни акс эттиришда матнга эмоционал ранг беради ва умумий ғояни ифодалашда экспрессив-эмотив маънони кучайтиради. Ундовлар асосан матнда таъкидни ифодалаб келади. Мисол учун: *«Зарарга ишлашга мажбур эмасманку? Қолаверса, маҳалла аҳли менга ишлаш ва фойда олишга имкон бермади! Маҳалла раисини айтмаса ҳам бўлади. Ҳеч бир раҳбар мени ҳеч қачон бундай мазах қилмаган!»* (Ж. 2018. № 44). «Имкон бермади» ва «мазах қилмаган» сўз бирикмалари билан келган гапнинг охирида ундов белгисининг ишлатилиши ўз фикрини қатъий ифодалаш маъносини беради. Одатда коннотация назариясида бундай семалар потенциал семалар деб аталади. Газета матнларда интонация ундов белгиси билан акс эттирилади. Газетанинг инглизча матнларида қоидага кўра “what” олмоши билан бошланган гаплар охирида ундов белгиси қўйилади: *“What a wonderful day! With summer in full swing and July 4th weekend in the rearview mirror, it’s prime time for us”* (NYT.30.06.2019). Бу гапда *“What a wonderful day!”*дан кейин қўлланилган ундов *«қандай ажойиб кун»* деган маънони англатиш баробарида газетхон эътиборини тортган. Биргина ундов белгисининг гап охирида ишлатилиши АҚШда ҳар йили 4 июль куни нишонланиб келинадиган *Мустақиллик куни* миллий байрам эканлигига ишорани ифодалаб келган.

Кўп нуқта матн мазмунининг ҳақиқатга мос келмаслигини кўрсатиш учун ишлатилади. Айрим ҳолларда бу тиниш белгисининг матнда қўлланилиши ёритилаётган мавзуга газетхоннинг муносабатини, мулоҳазасини, ўй-фикрини уйғотишга қаратилган бўлади. Шу билан бирга, гапнинг давоми борлигини ифодалайди ва унинг маъносини янада кучайтириш учун хизмат қилади. Масалан: *«Ишонч телефонлари»га ишончни кучайтириш эҳтиёжи эса афсуски катта экан...»* (И. 2018. № 110); Инглиз тилидаги мисоллар ҳам ўхшаш: *“Our history more clearly – particularly the parts of our history that we’ve tried to put aside...”* (LAT. 02.05.2021).

